

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"Farg'onaazot" AJ

Объявление

"FARG'ONAAZOT" AKSIYADORLIK JAMIYATI

ТАШҚИ АУДИТ ЖАЛБ ҚИЛИШ

Э Ў Л О Н!

“Farg'onaazot ” акциядорлик жамияти 2020 молия-хўжалик йили якунлари бўйича ташқи аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича танлов.

Аудиторлик ташкилотлари танлов комиссиясига ушбу ҳужжатда белгиланган талабларга мувофиқ расмийлаштирилган конвертда таклиф юборишади.

1. Очиқ конвертда қуйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим:

- а) танловда иштирок этиш учун илова қилинаётган шаклга мувофиқ танлов аризаси;
- в) текширувда иштирок этадиган аудиторларнинг малака сертификатлари нусхалари, аудиторлик текшируви иштирокчисига халқаро ҳисобчи, солиқ маслаҳатчиси малакалари мавжудлигини тасдиқлайдиган сертификатларнинг нусхалари ва ҳоказолар;
- г) аудитор(аудиторлар)нинг аудиторларнинг республика профессионал бирлашмалари ўқув марказларининг малака ошириш курсларида таҳсил олганлигини бўйича малака оширганлигини тасдиқлайдиган гувоҳномаларнинг нусхалари;
- д) таъсис ҳужжатларининг ва давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхалари;
- е) аудиторларнинг профессионал жамоат бирлашмасига аъзоликни тасдиқловчи ҳужжатнинг раҳбар имзоси ва корхона муҳри билан тасдиқланган нусхаси;
- л) аудиторлик фаолиятини амалга оширишда профессионал жавобгарлик суғурта полисининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- м) аудиторлик ташкилоти муассислари таркибида, унинг бошқарув органларида ва аудиторлари орасида акциядорлик жамиятининг бошқарув органларида мансабга эгалик қиладиган ходимларга аффилланган шахслар мавжудлиги/йўқлиги тўғрисидаги ахборот;
- н) охириги 3 йил ичида сифатсиз аудиторлик текшируви ўтказганлиги ёки махфийлик тамойилини бузганлиги учун молиявий ҳисоботнинг манфаатдор фойдаланувчилари томонидан эътироф этилган талабномалар ва қондирилган даъволарнинг мавжудлиги/йўқлиги тўғрисидаги ахборот;
- о) аудиторлик текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи лицензияни охириги 3 йил ичида тўхтатиш фактлари тўғрисидаги ахборот.

2. Алоҳида ёпиқ конвертларда техник ва молиявий таклифлар тўғрисидаги ахборот бўлиши зарур.

3. Техник таклиф солинган конверт ичида қуйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим:

а) аудиторлик ҳулосасининг намунаси;

б) илгари ўтказилган текширув бўйича ёзма ахборот (аудиторлик ҳисоботи) намунаси (ташкilotнинг номи ва бошқа идентификацион белгиларни кўрсатмаган ҳолда);

в) аудитни амалга ошириш услубиёти, шу жумладан унинг режаси ва ўтказиш муддати;

г) аудит ўтказиш учун таклиф этилаётган мутахассисларнинг малакасини белгиланган шакл бўйича баҳолаш. Ушбу шаклга аудиторларнинг – аудиторлик ташкilotининг штат жадвалига киритилган ходимларнинг аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун амал қилиш муддати белгиланган тартибда узайтирилган малака гувоҳномаларининг буюртмачи томонидан тасдиқланган нусхалари, шунингдек штатдаги аттестациядан ўтган аудиторлар меҳнат дафтарчаларининг буюртмачи томонидан тасдиқланган нусхалари илова қилинади.

4. Молиявий таклиф солинган конверт ичида қуйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим:

а) белгиланган шаклга мувофиқ қийматни асослаш;

б) белгиланган шаклга мувофиқ молиявий таклиф, шу жумладан устама харажатлар (агар қўлланилса) ва ҚҚС;

5. Барча конвертлар битта ташқи йирик конвертга солиниб, юбуровчининг манзилини аниқ кўрсатган ҳолда, тамғаланиши лозим. Ташқи конверт устида танлов номи қайд этилиши зарур. Ёпиқ ички конвертлар устида «танлов ўтказилмагунга қадар очилмасин» сўзлари қайд этилиши лозим.

6. Танлов аризасининг валютаси – ўзбек сўми.

7. Барча келиб тушган таклифлар танлов комиссиясининг котиби томонидан танлов таклифларини қайд этиш журналида рўйхатга олинади.

8. Техник ва молиявий таклифлар солинган конвертлар танлов комиссияси котибида танлов комиссиясининг мажлиси ўтказилгунга қадар тамғаланган ҳолда сақланади.

Таклифлар 2021 йил 21 март кунига қадар қабул қилинади.

Таклифларни қуйидаги манзилга юбориш сўралади:

Индекс:150108, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Саноат қўчаси, 222 уй, «Farg'ona azot» aksiyadorlik jamiyati бошқарувига.

«Farg'ona azot» aksiyadorlik jamiyati жамият кузатув кенгаши

12.03.2021

Источник: <https://openinfo.uz/announce/10918/>

Дата: 09.09.2026